
ДАНҒАРА ТУМАНИДА “СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ” ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Данғара тумани 10-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган “Сўнгни қўнғироқ” тадбирида туман ҳоқими Шухратжон Тожихақимов, фахрий ўқитувчилар, ота-оналар, касаба уюшмаси, маҳалла ва ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, ўрнатилган мактабнинг собиқ битирувчилари иштирок этди.

Туман ҳоқими дастлаб Президентимизнинг мамлакатимиз мактабларини битирувчи ўғил-қизларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Битирувчи ёшларга кейинги йўлларида ўз ўринларини топишларига умид билдирди.

Тадбир давомида йил давомида намунали хулқ ва аъло баҳоларга ўқиб, энг юқори рейтинг кўрсаткичларига эришган иқтидорли битирувчилар ва ўқувчиларга фахрий ёрлиғ ҳамда эсталик совғалари топширилди.

Шундан сўнг мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган бадий чиқишлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. “Сўнгни қўнғироқ” садолари эса тантаналарга яқун ясади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-05-25 14:59:31